

- Проблемы международной и региональной экономики ■
- Problems of International and Regional Economy ■

Л.Ў. Мингишов

Ўзбекистоннинг ҳамкор мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларига таъсир этувчи омилларни эконометрик баҳолаш

Сўнги глобал иқтисодий инқирозга қарамасдан, халқаро савдо иқтисодий ўсиш, ривожланиш ва қашшоқликни камайтиришнинг энг муҳим омили ҳисобланмоқда. XX асрнинг охиригى ўн йиллигидан буён ривожланаётган мамлакатларнинг кам (ўрта) даромадли мамлакатлар билан ўзаро савдо муносабатлари 14 фоизга ошган бўлса, юқори даромадли мамлакатлар билан эса 8 фоизгагина ошган [13]. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича [14], Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги ва енгил саноатнинг ярим тайёр маҳсулотларидан ташқари, бошқа соҳалари бўйича экспортнинг ҳамкор мамлакатлар бозорида “омон қолиш” даражаси жуда ҳам паст эканлиги кузатилади. Бу ҳолат айниқса Арманистон, Молдова, Тожикистон, Украина ва Қирғизистон мамлакатлари бозорларида экспорт улуши бой берилиши ҳисобидан юзага келган. Бинобарин, бугунги кунда Ўзбекистоннинг экспорт тушумлари барқарорлигини таъминлашда ҳамкор мамлакатлар билан ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш йўналишлари ва ташқи савдо самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Анъанавий усулларга кўра бозорга кириш учун тўсиқларни камайтириш, асосан, тариф ва квоталарни камайтириш, имтиёзлар бериш ва кенг кўламли либераллаштиришни рағбатлантириш каби савдо сиёсати чораларини қўллаш орқали амалга оширилади. Бироқ, имтиёзли бо-

Мингишов Л.Ў., ЖИДУ Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ кафедраси ўқитувчиси.

зорга кириш ҳуқуқи бўлишига қарамасдан, кўплаб ривожланаётган мамлакатларнинг экспортчи фирмалари жаҳон бозорларида муваффақиятли рақобатлаша олмайдилар. Уларнинг ташқи савдо фаолиятлари давомида учрайдиган тўсиқлар кўп ва турличадир. Масалан, бозорга кириш самарадорлиги ва рақобатга тўсқинлик қиладиган ташқи савдо ва тариф сиёсати, инфратузилма ва таянч хизматлар кўрсатиш, транспорт ва логистика самарадорлигининг пастлиги оқибатида ишлаб чиқариш ҳамда савдо харажатларини ошириши ва бошқа сабаблар бунга мисол бўла олади.

2012–2018 йиллар давомида ҳукумат томонидан Ўзбекистонда инвестицион муҳитни яхшилаш ва экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича 12 дан ортиқ норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Юқоридаги ислохотларга қарамасдан, ҳозирги пайтда Ўзбекистон “Бизнес юритиш-2018” нинг «Халқаро савдо»¹ мезони бўйича 168-ўрин билан рейтингда ортда қолмоқда. Мазкур кўрсаткич бўйича “Бизнес юритиш”нинг 2017 йилги ҳисобот рейтингда 2016 йилдаги 166-ўридан 165-ўринга бир поғона кўтарилган бўлса-да, 2018 йил бўйича 168-ўрин билан уч поғона пастга тушган [12].

Мазкур рейтинг бўйича, 2015–2017 йиллардаги мамлакатимизнинг халқаро савдо бўйича кўрсаткичлари ҳолати таҳлилларининг кўрсатишича, ҳужжатларни расмийлаштириш ва божхона назорати учун сарфланадиган вақт ҳамда маблағларда ҳеч қандай ижобий ўзгаришлар мавжуд эмас. Мазкур кўрсаткичларни Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари билан таққослаганда, мамлакатимизда экспортга кетадиган вақт беш баробар кўп, молиявий харажатлар эса, деярли икки баробар катта эканлигини аниқлаш мумкин (1-жадвал).

¹“Бизнес юритиш” ҳисоботида мамлакатларнинг Халқаро савдо кўрсаткичини аниқлашда экспорт ва импорт товарлари логистикаси бўйича вақт ва молиявий харажатлар баҳоланади. Мазкур тадқиқотнинг янги методологиясига кўра, товарларни экспорт ва импорт қилишда амалга ошириладиган 3 та босқич жараёни (талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштириш, чегара талабларига амал қилиш, мамлакат ичидаги юк ташиш) бўйича жами вақт ва молиявий харажатлари (бож тарифлари бундан мустасно) ҳисобга олинади. Экспорт қилиш тартиб-таомилини баҳолашда ҳар бир мамлакат учун рақобат афзаллигига эга товарларни, импорт тартиб-таомилини баҳолашда эса, ягона ва кенг тарқалган товарлар бўйича текширади. Баҳолашда савдо ҳамкори ва товарлар бўйича кенгроқ тарқалган юк ташиш турлари ҳисобга олинади. Шунингдек, ташқи савдони осонлаштириш учун яратилган қулай шароитлар бўйича мамлакатлар рейтингини “Халқаро савдо” кўрсаткичи учун энг етакчи чегарадан узоқлиги бўйича балларни тартиблаш орқали аниқланади. Ҳар бир мамлакат учун берилган балл экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштириш ва божхона назорати талабларини бажаришга сарфланадиган вақт ҳамда маблағлар кўрсаткичларининг етакчи чегарадан узоқлиги қиймати йигиндисидан ҳисобланадиган ўртача арифметикани ўзида акс эттиради. Мазкур тадқиқот доирасида мамлакат ичкарасида юк ташишга сарфланадиган вақт ва маблағлар ҳам кўриб чиқилади.

**Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш – 2016–2018”
ҳисоботи бўйича Ўзбекистоннинг “Халқаро савдо”ни
аниқловчи кўрсаткичлари бўйича ҳолати**

Халқаро савдо	DB 2016	DB 2017	DB 2018	Европа ва Марказий Осиё	OECD мамла- катлари
Экспортга кетадиган вақт, шундан:	286	286	286	55,9	15,1
Хужжатларни расмийлаштириш (соат)	174	174	174	27,9	2,4
Чегара ва божхона назорати (соат)	112	112	112	28	12,7
Экспортга кетадиган харажатлар, шундан:	570	570	570	305,2	185,3
Хужжатларни расмийлаштириш (АҚШ доллари)	292	292	292	113,8	35,4
Чегара ва божхона назорати (АҚШ доллари)	278	278	278	191,4	149,9
Импортга кетадиган вақт, шундан:	285	285	285	53,2	12,2
Хужжатларни расмийлаштириш (соат)	174	174	174	27,3	3,5
Чегара ва божхона назорати (соат)	111	111	111	25,9	8,7
Импортга кетадиган харажатлар, шундан:	570	570	570	279,8	137,2
Хужжатларни расмийлаштириш (АҚШ доллари)	292	292	292	94,7	25,6
Чегара ва божхона назорати (АҚШ доллари)	278	278	278	185,1	111,6

Манба: Жаҳон банкининг *Doing Business 2016, 2017, 2018* йиллик ҳисобот нашрлари.

Бу эса, халқаро савдода божхона расмийлаштируви вақти ва молия харажатларини қисқартириш, божхона чегарасидан товарларни ўтказиш тартиблари ва тизимини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларни белгилаш, илғор хориж тажрибасини чуқур ўрганиш ҳамда амалиётга жорий этишни тақазо этади.

1. Ташқи савдога таъсир этувчи омилларни баҳолашга оид тадқиқотлар таҳлили

Жэн Жак Халарт, Рикардо Кавазос Цепеда ва Джимин Канг (2011) [1], ўзларининг навбатдаги тадқиқотларининг бирида, ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек, денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган, кичик, қолоқ ва бошқа экспортёр мамлакатлар учун савдони кенгайти-

ришларида мажбурий чекловларнинг таъсирини миқдорий аниқлаган ва белгилаган. Тадқиқот натижалари ташқи савдони кенгайтириш ва иқтисодий ўсишда ҳукумат томонидан қўшимча ва тўғри сиёсат (таълим, бошқарув, қулай бизнес муҳити ва макроиқтисодий барқарорлик) олиб борилиши муҳим эканлигини тасдиқлайди.

Мурат Шекер (2011) [2], мамлакатларнинг экспорт самарадорлигида бир-бирларига яқинлаша олмаслиги мумкин бўлган сабабларни ўрганиб чиқади. Даромад даражаси турлича бўлган мамлакатлар ва дунёнинг турли минтақаларини ўз ичига олувчи мазкур тадқиқот маълумотлари савдо сиёсати, савдони қулайлаштириш, инвестиция муҳити ўзгарувчиларининг савдо фаолиятига қандай таъсир этишини кўрсатади. М.Шекер гравитация моделларида умумий аниқланганидек, мамлакатларнинг ЯИМи экспорт самарадорлиги билан кучли корреляцион боғлиқликка эга эканлиги, ҳамкор мамлакатлар ўртасидаги масофани 10 фоизга узоқлаштириш, экспортни 4,5 фоизга камайишига олиб келиши, олдинги йилдаги экспортнинг ўсиши жорий йилнинг экспорт унумдорлигига аҳамиятли таъсир этишини аниқлаган. Ва ниҳоят, импортга нисбатан мамлакатда олиб борилаётган сиёсатни ўлчайдиган савдони тақиқловчи тариф индекси экспортга салбий таъсир этиши аниқланди. Мазкур индекс экспортларнинг импорт қилинган оралиқ маҳсулотлардан экстенсив фойдаланиши ҳисобидан экспорт ва импорт фаолияти ўзаро бир-бирини тўлдиришини кўрсатади.

Ж.Фелип ва У.Кумар (2010) [3] савдони осонлаштиришнинг Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдоси ривожланишидаги аҳамиятини гравитация модели орқали тадқиқ қилиб, экспортчи мамлакат учун инфратузилма савдо оқимида катта таъсир кўрсатишини, импорт қилувчи мамлакат учун божхона самарадорлигига эришиш муҳим эканлигини асослаб беришди. Муаллифларнинг фикрича, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдони ривожлантиришларида инфратузилмани яхшилаш жуда муҳим ҳисобланади.

Минтақавий инфратузилмани ривожлантириш минтақа ва ундан ташқарида савдо учун транспорт коридорларини тақдим этиб, савдо вақтини камайтиришга ёрдам беради, шунингдек, минтақадаги давлатларни дунёнинг қолган қисмлари билан бирлаштиради. Мазкур йўналишда, Д.Чакраборте, С.Мукерже (2016) [4] Жаҳон банкининг логистика фаолияти индекси маълумотлари бўйича савдони осонлаштиришнинг экспортга таъсирини эмпирик баҳолашган.

Джанков С., Фреунд С. (2010) [5] гравитацион таҳлиллари орқали, савдонинг бир кунга кечикиши, тегишли маҳсулот тури бўйича савдо ҳажмининг 1 фоизга камайишини аниқлаган.

2. Тадқиқот методологияси

Ташқи савдонинг Гравитация моделига кўра – иккита қатта иқтисодий кластерлар икки кичик кластерларга нисбатан кўпроқ савдога киришади. Бундан ташқари, икки бир-бирига яқин иқтисодий кластерлар ўртасидаги савдо, икки бир-биридан нисбатан узоқроқ жойлашган иқтисодий кластерлардан кўра кўпроқ интенсив бўлади. Мазкур модел функциясининг энг содда кўриниши қуйидагича:

$$\ln T_{ij} = f(\ln GDP_i, \ln GDP_j, \ln d_{ij}) \quad (1)$$

Бу ерда: T_{ij} – мамлакатларнинг ўзаро савдо (экспорт-импорт) оқими (АҚШ долларида), GDP_i – экспортёр i мамлакатнинг ЯИМ ҳажми, GDP_j – импортёр j мамлакатнинг ЯИМ ҳажми, d_{ij} - экспортёр i ва импортёр j мамлакатлари орасидаги масофани англатади.

Адабиётлар таҳлили кўрсатишича, институционал муҳитнинг сифати, логистика самарадорлиги ва инфратузилма савдони осонлаштиришга таъсир этувчи муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Тадқиқотимизда Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор мамлакатларининг ўзаро икки томонлама тайёр маҳсулотлари савдоси (экспорт-импорт) оқимини баҳолаш учун унга таъсир этувчи қуйидаги муҳим омиллар ажратиб олинди ва гравитация модели тузилди:

- экспортёр мамлакатнинг ЯИМ ҳажми (сотиб олиш қобилияти паретити билан АҚШ долларида);
- импортёр мамлакатнинг ЯИМ ҳажми (сотиб олиш қобилияти паретити билан АҚШ долларида);
- экспортёр ва импортёр мамлакат орасидаги масофа (км. ўлчоғида);
- аҳоли жон бошига ЯИМнинг ҳажми (сотиб олиш қобилияти паретити билан АҚШ долларида);
- институционал муҳит индекси (М.Краус (2016)) [6];
- логистика фаолияти индекси (LPI) (мазкур индекснинг қисми сифатида инфратузилма ва божхона самарадорлиги индекслари ҳисобга олинган);
- шунингдек, мамлакаларнинг мустамлакачилик боғлиқлиги, денгизга чиқиш имкониятининг мавжудлиги, умумий чегара каби бинар (бернулли) ўзгарувчи (dummy variable)лар киритилган (агар мавжуд бўлса 1, мавжуд бўлмаса 0 рақамлари қўйилган).

Тадқиқотимизда, мамлакатларнинг ўзаро савдо оқимини баҳолашда энг кичик квадратлар (OLS, кўп ўлчовли регрессия тенгламаси) усулидан фойдаланилди. Ўз навбатида, мамлакатларнинг ўзаро савдоси (эк-

Баҳолаш натижалари мамлакатларнинг ЯИМ ва улар орасидаги масофа, экспортёр мамлакатдаги инфратузилма сифати, импортёр мамлакатдаги институционал муҳит сифати каби омилларнинг аҳамиятли эканини кўрсатмоқда.

спорт-импорти) – боғлиқли ўзгарувчи сифатида ўрганилди. Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари сифатида 21 та мамлакат танлаб олинди, ўзаро савдо жуфтлиги бўйича кузатишларимиз сони 420 тани ташкил этди. Ўзаро савдони кузатишда қайта ишланган маҳсулотлар (ТИФ ТН коди 667 ва 68 дан ташқари 5 дан 8 гача) ҳисобга олинди, чунки савдони қулайлаштириш хомашё товарларига қараганда тайёр маҳсулотлар савдосида катта таъсирга эга. Юқоридаги омиллар

эса, функциянинг мустақил ўзгарувчилари сифатида қаралди.

Мазкур регрессион таҳлилда, 2016 йил учун мамлакатларнинг ўзаро савдоси бўйича UNCTAD Stat маълумотларидан [11], мамлакатларнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари ва логистика фаолияти (Logistics performance index) бўйича Жаҳон банкининг расмий маълумотларидан [10], шунингдек, М.Краус (2016) томонидан мамлакатлар учун ҳисобланган институционал муҳит сифати индекси маълумотларидан фойдаланилди.

Танлаб олинган кўрсаткичлар ва шакллантирилган статистик маълумотлар асосида EViews8 компьютер дастури ёрдамида регрессион таҳлил ўтказилди.

Ўтказилган тадқиқот асосида қуйидаги функция тенгламасига эришилди.

$$\ln T_{ij} = 0,903 * \ln GDP_i + 0,817 * \ln GDP_j - 1,088 * \ln d_{ij} + 1,148 * \ln GDP_{pci} + 2,968 * \ln Infrastructure_i + 0,407 * \ln Institution_j + 2,255 * Common colonizer - 33,922.$$

Бу ерда: T_{ij} – мамлакатларнинг ўзаро савдо (экспорт-импорт) оқими (АҚШ долларида, ТИФ ТН коди 667 ва 68 дан ташқари 5 дан 8 гача), GDP_i экспортёр i мамлакатнинг ЯИМ ҳажми, GDP_j – импортёр j мамлакатнинг ЯИМ ҳажми, d_{ij} - экспортёр i ва импортёр j мамлакатлари орасидаги масофа, GDP_{pci} - экспортёр i мамлакатнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ қиймати, $Infrastructure_i$ - экспортёр i мамлакатнинг инфратузилма сифати индексининг кўрсаткичи, $Institution_j$ импортёр j мамлакатнинг институционал муҳит сифати индекси, $Common colonizer$ ҳамкор мамлакатларнинг мустамлакачилик боғлиқлиги.

Баҳолаш натижалари

Ўзгарувчилар	Коэффици- ентлар	Ст.хатолик	t-Статистика	Эҳтимоллик қиймати (Prob.)
$\ln GDP_i$	0.903	0.101953	8.857213	0.0000
$\ln GDP_j$	0.817	0.070133	11.64633	0.0000
$\ln d_{ij}$	-1,088	0.196152	-5.544675	0.0000
$\ln GDP_{pci}$	1.148	0.177541	2.292241	0.0224
$\ln Infrastructure_i$	2.968	1.004022	2.956482	0.0033
$\ln Institution_j$	0.407	0.527866	4.273209	0.0000
Common colonizer	2.255	0.218675	5.249775	0.0000
C	-33.92230	3.263308	-10.39507	0.0000
R-квадрат	0.65	Ўртача боғлиқ ўзгарувчилар		18.03001
Тартибга солувчи R-квадрат	0.643868	S.D. боғлиқ ўзгар.		4.355827
	2.599419	Akaike маълумот мезони		4.767317
Жами квадратик қолдиқ	2783.876	Schwarz мезони		4.844274
Log эҳтимоллик	-993.1366	Hannan-Quinn мезони		4.797734
F-статистика	109.2184	Durbin-Watson статистик.		1.610897
Эҳтимол хатолик (F-статистика)	0.000000			


3. Натижалар таҳлили

Баҳолаш натижаларига кўра, мамлакатларнинг ЯИМ ва улар орасидаги масофа, экспортёр мамлакатдаги инфратузилма сифати, импортёр мамлакатдаги институционал муҳит сифати ва мустамлакачилик боғлиқлиги омиллари бўйича эҳтимоллик қийматининг 0.01 қийматдан кичик эканлигидан, мазкур омилларнинг аҳамиятлилик даражаси юқори эканлиги маълум бўлди. Гравитация моделларида умумий аниқланганидек, мамлакатларнинг ЯИМ ҳажми юқори ташқи савдо самарадорлиги билан кучли корреляцион боғлиқликка эга. Шунингдек, ҳамкор мамлакатлар ўртасидаги масофани 10 фоизга узоқлашиши, экспортни 10,9 фоизга камайишига олиб келади. Экспортёр мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ қиймати ошиши муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро савдонинг ўсиши импортёр мамлакатларда институционал ислохотларни чуқурлаштиришни талаб этса, экспортёр мамлакатлар учун эса, савдони қўллаб-қувватловчи инфратузилма сифатига боғлиқлиги аниқланди. Экспортёр мамлакатда инфратузилма сифатининг 10 фоизга ортиши, ташқи савдо оқимини 29,6 фоизга кўпайишига имкон яратар экан. Худди шундай, импортёр мамлакатда институтлар сифатининг 10 фоизга ошиши, ташқи савдони 4,07 фоизга кўпайишини таъминлайди.

Бугун мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодий-тимизнинг сифат жиҳатидан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларимизнинг муваффақиятли амалга оширилиши инфратузилма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон замини тарихдан маълумки, савдо, иқтисодий, маданий алоқалар ва Буюк ипак йўли бўйлаб шаклланган турли цивилизацияларни туташтириб турувчи марказ бўлиб келган. Ҳозирги глобаллашув шароитида Марказий Осиёнинг халқаро ташувлардаги аҳамияти тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Бу ўринда, биринчи навбатда, минтақа етакчиларидан бири бўлган Ўзбекистоннинг салоҳияти яққол ажралиб туради.

Шунга қарамасдан, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Жаҳон банки томонидан 160 та мамлакат бўйича ҳисобланадиган Логистика фаолияти рейтингида 2016 йилда 118 ўринни эгаллаган [7]. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ, Жаҳон банкининг мазкур рейтингида олдинги йилларга қараганда яхшиланиш ҳолати кузатиламоқда. Бироқ, таҳлиллар мамлакатимизда логистика фаолияти индекси таркибий қисми ҳисобланган бир қанча кўрсаткичларни, айниқса, инфратузилмани ривожлантириш ва божхона самарадорлигини ошириш муҳимлигини кўрсатади (1-расм).



1-расм. Мамлакатларнинг логистика фаолияти индекси (Logistics performance index), 2016 йил¹

¹ <https://lpi.worldbank.org/international/global> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Денгизга чиқиш йўлининг мавжуд эмаслигига қарамасдан, Марказий Осиёнинг қулай географик жойлашуви унга қатор афзалликлар туғдиради. Аввало, Марказий Осиё етакчи минтақавий иқтисодий бозорлар – Европа ва Жанубий ва Жануби-Ғарбий Осиё, Узоқ Шарқ оралиғида жойлашган. Ушбу бепоеън ҳудуднинг йиллик умумий импорт ҳажми қарийб 55 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади [11]. Марказий Осиё орқали Яқин ва Ўрта Шарққа боришнинг энг қисқа йўли ўтган.

Аммо Ўзбекистоннинг Марказий Осиёнинг ҳал қилувчи транспорт-транзит тармоғига айланиши учун транспорт-коммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш ва янгилаш, маҳаллий ва халқаро транспорт хизматлари таркибини диверсификация этиш, янги транспорт йўлакларини шакллантириш ва ривожлантириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш ва таннархини камайитириш талаб этилади.

Осиё Тараққиёт Банки мутахассислари (2009) Ўзбекистонда транспорт ва логистика фаолиятига тўсиқ бўлаётган қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатишади [8]:

- кўп сонли йўл-патрул хизмати назорати;
- сифатли ёқилғининг чекланганлиги (айниқса ҳудудларда);
- маълумотли мутахассисларнинг камлиги;
- юқори логистика харажатлари.

Хорижий эксперт ва мутахассислар Марказий Осиё Минтақавий Иқтисодий Ҳамкорлик (CAREC)¹ дастурининг амалга оширилиши аъзо мамлакатларнинг йўл-транспорт харажатларини минималлаштириш йўли билан иқтисодий даромадларини оптималлаштириш мақсадидадаги йўл инфратузилма активларини бошқаришнинг энг яхши амалиёти сифатида эътироф этишади [9].

Мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдога ижобий таъсир этувчи яна бир муҳим омиллардан бири бу институционал муҳитнинг сифати ҳисобланади. Бу эса, аввало, ҳукумат томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий қонун ҳужжатларининг самарадорлиги билан белгиланади.

Ўзбекистонда охириги йиллар давомида мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва

Экспортёр мамлакатда инфратузилма сифатининг 10 фоизга ортиши, ташқи савдо оқимини 29,6 фоизга кўпайишига имкон яратиб, худди шундай, импортёр мамлакатда институтлар сифатининг 10 фоизга ошиши, ташқи савдони 4,07 фоизга кўпайишини таъминлайди.

¹ Марказий Осиё Минтақавий Иқтисодий дастурига Афғонистон, Озарбайжон, Хитой, Грузия, Қозғистон, Қирғизистон, Монғолия, Покистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон аъзо мамлакатлари ҳисобланиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий ўсишга эришиш ва қашшоқликни йўқотиш мақсадида бирлашишган.

ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ташқи савдо операцияларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш, экспортни рағбатлантириш ва кенгайтиришга доир тизимли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёнинг ҳал қилувчи транспорт-транзит тармоғига айланиши учун транспорт-коммуникация инфрамузилмасини модернизация қилиш ва янгилаш, маҳаллий ва халқаро транспорт хизматлари таркибини диверсификация этиш, янги транспорт йўлакларини шакллантириш ва ривожлантириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш ва таннархини камайтириш талаб этилади.

Шу билан бирга, халқ билан очиқ мулоқот, Ўзбекистон Президенти томонидан, жумладан, кенг доирадаги тадбиркорлик субъектлари билан ўтказилаётган учрашувлар ҳали ҳам тўсиқлар, замонавий талабларга жавоб бермайдиган ва маҳаллий тадбиркорларнинг ташқи савдо фаолиятида иштирок этишига тўсиқлик қилаётган турли идоравий йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Ташқи савдо операцияларини маъмурий бошқариш тизимининг самарадорлигини янада оширишда, бугунги кунда йирик экспорт қилувчи хорижий мамлакатлар амалиётида қўлланилиб келинаётган, Бутунжаҳон божхона ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган “Жаҳонда халқаро савдони осонлаштириш ва хавфсизлик стандартлари”нинг ўзига хос жиҳатларини мамлакатимизда жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Ушбу стандартларнинг қўлланилишидан кўзланган асосий мақсад ҳалол ва божхона қоидаларига виждонан амал қилувчи корхона, декларантлар, ташкилотлар, товарларни етказиб берувчи транспорт ва экспедиторлик компаниялари товарларини божхона назорати ва расмийлаштирувини соддалаштириш, товарлар оқими устидан ўрнатилган назорат самарадорлигини оширишдан иборат.

Ушбу самарали соддалаштирилган тизимга кўпгина хорижий давлатлар ўз экспорт фаолиятида ваколатли иқтисодий операторларни ташкил этиш орқали эришмоқдалар. Ваколатли иқтисодий операторлар (ВИО) юридик шахс ҳисобланиб, божхона органлари томонидан берилган махсус ҳуқуқий мақом билан ташқи савдони амалга оширишда иштирок этади. ВИО мақоми ишлаб чиқарувчилар, импортёрлар, экспортёрлар, брокерлар, юк ташувчилар, консолидаторлар, портлар, терминаллар, омборлар операторлари ва дистрибьютерларга берилиши мумкин.¹

¹ www.wcoomd.org - Framework of Standards to Secure and Facilitate Global Trade

Шу ўринда, ВИОни ташкил этиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасида бир қатор ўзига хос жиҳатларни кўришимиз мумкин. Хусусан, Туркия мамлакати ўзининг ташқи савдо стратегиясининг асосий мақсади сифатида мамлакатда дунёдаги энг қулай ва хавфсиз тижорат фаолияти яратишни белгилаб, 2013 йил 10 январда ВИО дастурини ишлаб чиққан (2014 йил 21 майда импортни осонлаштиришни ўз ичига олган ВИО дастури тайёрланган). Ушбу дастурда ташқи савдо учун кетадиган вақт ва молиявий харажатларни камайтириш орқали экспорт-импорт амалиётларини осонлаштириш кўзда тутилади. Шунингдек, мазкур дастур юқори малакали ва ишончли трейдерларга имтиёзли имконият бериш, халқаро таъминот занжирида барча даражадаги энг яхши амалиётни рағбатлантириш орқали хавфсизликни таъминлашга қаратилади¹.

4. Хулоса

Ўзбекистоннинг ташқи савдо ҳамкорлари билан ўзаро савдосининг ривожланиши импортёр мамлакатларда институционал ислохотларни чуқурлаштиришга, экспортёр мамлакатлар учун эса, инфратузилма сифатини оширишга боғлиқ эканлиги аниқланди. Ўзбекистоннинг ҳамкор мамлакатлар билан ташқи савдо алоқаларини янада кенгайтиришида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи компанияларга ваколатли иқтисодий операторлар (ВИО) мақомини бериш заминида божхона расмийлаштирилиши нуқтаи назаридан имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш ва бу борада хорижий ҳамкор давлатлар билан ВИО сертификати бўйича ўзаро англашув битимларини имзолаш;

Иккинчидан, Марказий Осиё мамлакатларида хомашёни қайта ишлашни рағбатлантирувчи ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш асносида умумий чегаравий халқаро эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш;

Учинчидан, экспортни қўллаб-қувватлаш институтлари тизимини шакллантиришда хорижий мамлакатларда кенг тарқалган экспортчи компанияларнинг бадаллари асосида экспорт ассоциациялари, уюшмаларини ташкил этиш лозим. Уларнинг умумий мақсади йўлидаги фаолиятлари савдо харажатларини камайтиришга, савдо ҳажмининг ошишига хизмат қилади;

Тўртинчидан, хориж тажрибасидан келиб чиқиб, миллий тайёр маҳсулотларимизнинг ташқи бозорлардаги кескин рақобат шароитида рақобатбардошлилигини оширишда давлат томонидан қўшимча молиявий

¹ <https://english.gtb.gov.tr/trade/customs/facilitation/authorized-economic-operator-program-of-turkey>

рағбатлантириш мақсадида экспортёрнинг хорижда магазин очиши, кўرғазма ва ярмаркаларда иштирок этиши, маркетинг тадқиқотларини амалга оширишлари юзасидан амалга оширган харажатларини давлат фондлари ёки уюшмалар томонидан қоплаб бериш имкониятлари бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бешинчидан, транспорт ва логистика тадқиқот марказларини ташкил этиш, транспорт ва логистика соҳаси бўйича касбий сертификатлаштириш дастурини ишлаб чиқиш, Олий таълим муассасаларида логистика ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;

Олтинчидан, савдо инфратузилмасини ривожлантириш бўйича давлат лойиҳаларини амалга оширишда, хусусий сектор инвестицияларини рағбатлантириш бўйича турли имтиёзлар бериш.

Адабиётлар

1. *Jean-Jacques Hallaert, Ricardo Cavazos Cepeda, and Gimin Kang.* Estimating the Constraints to Developing Countries Trade. Organisation for Economic Co-operation and Development. – Paris, 2011.
2. *Murat Seker.* Trade Policies, Investment Climate, and Exports across Countries. World Bank Policy Research Working Paper No. 5654, World Bank. – Washington, DC, 2010.
3. *Felipe J., and Kumar U.* The role of trade facilitation in Central Asia: A gravity model, Working Paper, № 628. – New York: Levy Economics Institute, 2010.
4. *Debashis Chakraborty & Sacchidananda Mukherjee.* How Trade Facilitation Measures influence Export Orientation? Empirical Estimates with Logistics Performance Index Data // Journal of Economics Library. 2016 .
5. *Djankov S., Freund C. and Pham C.* Trading on time. Review of Economics and Statistics, 92(1), 166173, 2010.
6. Institutional Quality 2016, Ph. *Martin Krause.* Professor of Economics, University of Buenos Aires (UBA). Academic Adviser of Fundaciyn Libertad y Progreso (part of RELIAL Network).
7. <https://lpi.worldbank.org/international/global>
8. Uzbekistan: trade facilitation and logistics development strategy report. Asian Development Bank, 2009.
9. www.adb.org/countries/subregional-programs/carec
10. World Development Indicators, 2016.
11. <http://unctadstat.unctad.org/wds/tableViewer/tableView.aspx>
12. Жаҳон банкининг Doing Business 2016, 2017, 2018 йиллик ҳисобот нашрлари.
13. *José Guilherme Reis, Thomas Farole.* Trade Competitiveness Diagnostic Toolkit, The World Bank, 2012.
14. *Мингишов Л.Ў.* Ўзбекистоннинг экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари: иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент: «Академия ноширлик маркази», 2018. <http://library.ziyounet.uz/uz/book/99275>